Абдулла МИРЗАХОЖАЕВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси тадқиқотчиси
patron.81@mail.ru
54/1, Tokhtarov, Shymkent, 160000, Kazakhstan

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОНДАГИ КОНФЕССИЯЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲОЛАТИ

STATE OF INTERCONFESSIONAL RELATIONS IN UZBEKISTAN AND KAZAKHSTAN

СОСТОЯНИЕ МЕЖКОНФЕССИОНАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ И КАЗАХСТАНЕ

Аннотация: *Конфессияларо муносабат – давлатдаги ҳуқуқий тизимдан бошлаб, ижтимоий маданиятни бутунлигича қамрайдиган мураккаб диний-ижтимоий ҳолат. Таълим соҳасидаги толерантлик мазмун, давлат сиёсатидаги ҳуқуқий тамойил конфессияларо муносабатни тартибга солувчи механизм бўлиши билан бирга, давлат органларининг диний бирлашмалар билан муносабатларини кўрсатадиган омил сифатида хизмат қилади. Мазкур тадқиқотда Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг дин соҳасини тартибга келтириш тажрибаси ҳуқуқий, таълим ва ижтимоий маданият доирасида ўрганилиб, муҳим илмий концепцияларни тавсия этади.*

Калит сўзлар: *Қозоғистон, Ўзбекистон, конфессияларо муносабат, диний бирлашмалар, постсекуляризм.*

Аннотация: *Межконфессиональные отношения – сложное религиозно-социальное явление, которое охватывает, начиная с правовой системы в государстве и социальную культуру в целом. Содержания толерантности в сфере образования невзирая на то, что правовой принцип в государственной политике является регулирующим механизмом межконфессиональных отношений, служит показательным фактором отношений государственных органов с религиозными объединениями. В данном исследовании изучив опыт регулирования религиозной деятельности Узбекистана и Казахстана в рамках правовой, образовательной и социальной культуры, рекомендуются важные научные концепции.*

Ключевые слова: *Казахстан, Узбекистан, Қозоғистон, Ўзбекистон, конфессиональные отношения, религиозное объединение, постсекуляризм.*

Annotation: *Inter-confessional relations are a complex social-religious phenomenon that encompasses the legal system of the state and the whole social culture. The content of tolerance in the field of education, the legal position in public policy, it is not a mechanism only for regulating inter-confessional relations, but still serves as a criterion for mutual relationship of state bodies with religious organizations. This study examines the practice of religious regulation in Uzbekistan and Kazakhstan in the context of legal, educational and social culture and offers important scientific findings.*

Keywords: *Kazakhstan, Uzbekistan, inter-confessional relations, religious organizations, post-secularism*

КИРИШ

Жамоат ҳаётида диннинг такрор моҳиятининг ошишини англатадиган постсекуляризм кўп ҳолатда кутилмаган янгилик бўлди, десак янглишмаймиз, сабаби Оқартувчилик давридан бошлаб барча заковат эгалари модерн даврининг натижасида мажбурий турдаги таъсири жамиятда камаяди деб уйлаган эди [1:8-20]. Диннинг жамиятдаги таъсирининг ошиши диний соҳага дахлдор давлат сиёсатида дин ва дунёвийлик шаклларининг махсус мувофиқлигини талаб қиладиган янги изланишларга йўл очмоқда. Ушбу ҳолат жаҳон миқёсида ҳам, миллий давлатлар доирасида ҳам қайта кўриб чиқишни талаб этиши мураккаб ижтимоий тадқиқотларни талаб этади. Бироқ бу ўзгаришларни секуляризмга қарши постсекуляр реваншизм сифатида баҳолашнинг ҳожати йўқ. Постсекуляризм диннинг дунёвийликни тўлиқ алмаштириш ёки устуворликка эришишини англатадиган ҳолат ҳам эмас. Шу боис ҳам диний ҳамжамиятларнинг ҳар бири алоҳида давлатдаги маданий, ижтимоий ва таълим соҳасига саводли интеграцияланиши – бош қадриятга айлангани тузук. Бу борада Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг диний бирлашмалар билан ўзаро иш-ҳаракат тажрибаси ҳамда конфессияларо муносабатни созлашдаги тажрибаси муҳим тадқиқотларни талаб этиши одатга айланмоқда.

Ҳар бир давлатдаги дунёвийлик моделига мувофиқ давлат органларининг диний бирлашмалар билан муносабати сиёсий, маданий ва тарихий талаблар билан боғлиқ ўзига хосликка эга. Шунингдек дунёвий йўлни танлаган давлатларда диний бирлашмалар билан муносабатни тартибга солишда, конфессияларо муносабатни тартибга солишдаги дунёвийлик тамойилининг муҳим икки модели билан тушунтириш мумкин: а) сепарациявий, б) кооперациявий. Сепарациявий дунёвийлик модели –давлат ҳокимияти ҳамда диний бирлашмаларнинг, конфессияларнинг бир-бирининг фаолиятига аралашмасликни англатса, кооперациявий модель – диний кам озчиликларнинг ҳам ҳуқуқини муҳофазалаб, давлатнинг йирик конфессияларнинг мақомини ҳимоялаш ғояси асосига ташкил этилади [2:157]

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг дин соҳасига дахлдор ҳуқуқий-қонунчилик асослари сепарациявий дунёвийлик моделини асосга олади. Зеро, 90 йиллардан буён ижтимоий ҳаётдаги диний соҳага доир давлат концепцияларида диний экстремизм ва террорчиликни бартараф этиш, давлат хавфсизлиги ва диний ҳамда умуман таълим жараёнида анъанавий диншуносликнинг давомийлигини ҳимоялаш долзарб масала сифатида юзага келмоқда. Икки давлатнинг ҳам дунёвий, ҳуқуқий ва демократик йўлни танлаши – жамиятда деструктив оқимлар ва давлат қурилишини тан олмайдиган экстремистик гуруҳларнинг фаоллигига йўл бермаслигини таъминлайдиган сиёсий қарорларни кун тартибига киритди. Икки давлатнинг дин соҳасига алоқадор сиёсий тамойили бир томондан давлат девонининг Конституция ва дин соҳасига алоқадор махсус қонунларидаги фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигига кафолат беришни таъминласа, иккинчи томондан жамият тинчлиги ва давлат хавфсизликни таъминлаш учун диний экстремизмни бартараф этиш мақсадида мажмуавий концепцияларни амалга оширишни англатади. Шу боис ҳам икки давлатниниг дин соҳасига доир ҳуқуқий-қонунчилик асоси дунёвийликнинг сепарациявий моделига мувофиқдир, ушбу қонунчилик маданий ўзига хосликларга асосланади деймиз. Бу, айниқса сўнгги ўн йилликда бошқача сезилмоқда.

АСОСИЙ БЎЛИМ

Дунёвийликнинг сепарациявий моделига асослаб дин ва давлат муносабатини созлайдиган ҳуқуқий-қонунчилик базасини қабул қилган Ўзбекистон ва Қозоғистонда сўнгги ўн йилликда диний соҳа муҳим сиёсий қарорларни талаб этадиган ҳолатга айланди. Минтақавий хавфсизликни сақлаш бўйича ШҲТ (Шанхай Ҳамжиҳатлик Ташкилоти) сингари ҳукуматлараро ташкилотларга аъзо бўлган қўш давлатнинг жамоат тотувлиги давлат яхлитлигини ҳимоялашга дахлдор тамойиллари ўхшаш. Икки давлат тарихи борасида маданиятининг бўлагига айланиб қолган анъанавий диний англашга қўллов кўрсатмоқда. Давлатнинг анъанавий диний моҳиятининг ҳолатини диний экстремизм ва террорчиликнинг олдини олишда фойдаланиш тажрибаси Ўзбекистон ва Қозоғистонда сўнгги ўн йилликда янги босқичга кўтарилди. Буни баъзи тадқиқотчилар дунёвийликнинг идентификациявий шаклига киритишади. Идентификациявий шаклга кўра давлат бир неча диний ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатади; анъанавий динларга маданий қадрият сифатида қўллов кўрсатиб, уларнинг таълим муассасаларида ўқитилишига имконият яратади [3].

Жаҳон геосиёсатида диний экстремизм ва террорчилик муаммолари кун тартибидаги масалага айланиши туфайли минтақавий хавфсизликни сақлаш йўналишида икки давлат 1992 йили 15 майда Тошкент шаҳрида ташкил этилган МДҲ давлатларининг ҳарбий-сиёсий хавфсизлик ташкилоти ҳисобланадиган ЖХТШТ (Жамоавий хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти) га аъзо бўлди. Шундан буён ушбу ташкилотнинг кун тартибида ҳудудий хавфсизлик масалаларининг қаторида диний қўпорувчилик билан боғлиқ хавф-хатарлар хусусида фикр юритилиб, уюшган тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-бўлим, 31-моддасида: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” дейилган [4]. Конституция билан тасдиқланган ушбу

дунёвийлик тамойил таълим соҳасига дахлдор махсус қонунда бўлимларда кўрсатилган. 1992 йили Таълим соҳасига бағишланган Ўзбекистон Республикасининг қонуни (Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Таълим тўғрисида) қабул қилиниб, ушбу қонунга 1997 йили қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилган эди. Бу қонунда давлат таълим бериш тизими фан ва дунёвийлик тамойилига суянади дейилган. Шунингдек фалсафа сингари баъзи фанлар "таълим дастурининг ажралмас бўлаги" ҳисобланади, ваҳоланки ушбу фанлар "ёшлар ўртасида диний ва этник бағрикенгликни ривожлантиришга имкон беради" дейилган. 1991 йили қабул қилиниб, 1998 йили ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган "Диний эътиқод эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонунининг" 7-моддасида "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар таъмин этилади" дейилган [5].

Бу борада диний таълим бериш ва диншуносликни ўқитиш ўртасидаги фарқни ҳам айтиб кетиш жоиз. Диний таълим бериш аниқ бир диний дунёқараш доирасида конфессионал таълим олишни англатса, диншуносликни ўқитиш деганимиз динни ижтимоий ҳолат сифатида таҳлил қиладиган дунёвий ва илмий тамойил сифатида баҳоланади. Диний таълим олишда ҳам фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи бўлганлиги боис, Ўзбекистонда конфессиявий таълим бериш муассасалари, ислом тадқиқот марказлари сўнгги ўн йилликда кўплаб очилиб ҳам диний экстремизмнинг олдини олишда анъанавий диншунослик меросини тарғиб қилиш асосида юритилмоқда.

Дунёвий таълим муассасаларида динни илмий жиҳатдан тадқиқ қиладиган диншунослик фанини жорий этиш – динни ижтимоий ҳолат сифатида тадқиқот қилиш билан бирга жамиятда диний тўзимлилик асосларини шакллантириш йўналишидаги давлат концепциясининг бир кўриниши бўлиб ҳисобланади.

Мазкур йўналишда бир қатор ишлар амалга оширилиб, 1998 йилдан буён Ўзбекистонда умумтаълим мактабларида 9 синф ўқувчиларига "Жаҳон динлари тарихи" фани ўқитилиб келинади. Олийгоҳларда барча ихтисосликка мажбурий таркиб сифатида "Маънавият асослари ва диншунослик" фан курси жорий этилган.

Ўзбекистонда диншунослик методология жиҳатидан олий таълим олишнинг бош маркази 1999 йили ташкил этилган Тошкент Ислом университети бўлиб келган эди. Айни даврда Тошкент ислом университети ҳамда Халқаро ислом академияси бириктирилиб, Ўзбекистон халқаро ислом академияси бўлиб қайта ташкил этилди. Академияда бакалавриат "Исломшунослик" (Қуръон ва ҳадис соҳасини тадқиқ қилиш, ақида ва суфийлик, ислом ҳуқуқи, Ислом тарихи ва манбашунослик) "Шарқ филологияси", "Диншунослик", "Халқаро муносабатлар", "Ислом иқтисодиёти", "Зиёрат туризми", "Психология" (дин социология психология) мутахассисликлари бўйича; магистратура "Қуръоншунослик", "Ҳадисшунослик", "Ислом ақидаси", "Ислом ҳуқуқи", "Ислом тарихи ва манбашунослик", "Диншунослик", "Тарих" (ислом тамаддуни), "Ислом иқтисодиёти", "Мумтоз шарқ адабиёти ва шарқшунослик", "Халқаро муносабатлар ва ҳозирги кундаги сиёсий жараёнлар", "Туризм" (Зиёрат туризмини ташкил этиш ва бошқариш), "Психология" (дин психологияси), "Исломдаги банк иши" мутахассисликлари бўйича; докторантура "Қуръоншунослик", "Ҳадисшунослик", "Калом илми", "Ислом тарихи ва манбашунослик", "Ислом ҳуқуқи" мутахассисликлари бўйича диплом берилади, унга кўра талабалар "Диншунослик асослари", "Жаҳон динлари тарихи", "Дин фалсафаси", "Дин социологияси", "Дин психологияси", "Ўрта Осиё халқларининг дин тарихи" сингари фанлардан сабоқ олишади. Фанлар чукур ўргатилиб, динни ижтимоий ҳолат сифатида янгича қиррасидан тадқиқ қилиш услубияти қўлга олинмоқда. Бунинг барчаси, диний тўзимлиликни ривожлантиришнинг замонавий ва дунёвий моделига мувофиқ услубиятга эҳтиёжидан юзага келяпти. Ваҳоланки динни тадқиқ қилишни фақат конфессиявий таълим бериш доирасида қолдириш – бир томондан, диний соҳада давлати сиёсати концепциясини тузадиган мутахассисларнинг етишмовчилигини юзага келтирса, бир томондан конфессиялараро муносабатни шакллантиришда илмий жиҳатдан изоляция

қилинган концепцияларнинг бўлмаслигига олиб келади. Дунёвий, ҳуқуқий ва демократик йўлни устувор деб билган мамлакатда диншунослик ва диний таълим беришни инсонпарвар йўналишда мувофиқлаштириш учун, ҳар томонлама тадқиқ қилинган давлат сиёсати зарур экани шубҳасиз. Ўзбекистон Республикасида бу соҳада муҳим қадамлар амалга оширилган.

Конфессиявий таълим муассасаларини, шу жумладан Ўзбекистон мусулмонлар идорасига рўйхатга олинган исломий таълим муассасаларининг кўплаб очилиши – сўнгги ўн йилликда, айниқса Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарлигига келганидан буён тизимли амалга ошмоқда. Бу динни экстремизмнинг олдини олиш ва минтақавий муаммога айланиб бораётган Хизбут Таҳрир, Таблиғи жамоат ва Толибон сингари сиёсийлашган исломий оқимларга тўсиқ бўладиган муҳим қадам эди. Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида бошланган сиёсат, ҳозирги кунда тизимли тартибда амалга ошмоқда, десак янглишмаймиз. Диний толерантни ривожлантириш доирасини аниқлаб берадиган ўша даврдаги Ўзбекистон президенти Ислом Каримов, диний таълим беришни давлат органларнинг диний бирлашмалар билан ўзаро иш-ҳаракат тажрибасининг асоси сифатида аниқлаб бундай деган эди: “Оқартувчилик, толерант исломга куч-қувват сарфлаб, унинг исломдан устуворликка эришгиси келадиган урушсевар, фанат кучларга қарши туришига ёрдам беришимиз керак” [6:48].

Диний соҳани созлашда диний бирлашмаларнинг барчасини қайта рўйхатдан ўтказиш, шу жумладан конфессионал таълим муассасаларининг ҳам рўйхатдан ўтказиш иши муҳим қадам бўлди. Давлат Ўзбекистон мусулмонлари идораси (ЎМИ) диний таълим муассасаларини созлаш ишида катта қўллов кўрсатди. Мазкур чоралар муносиб, билимли диний кадрларни тайёрлаш ишини йўлга қўйишга таъсир ўтказди. 2018 йили Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳрида “Мир Араб” олий мадрасасини очган эди, бунгача Тошкентда эса Ислом университети билан бирга қарийб 10та ислом ўрта таълим муассасаси фаолият юритиб келаётган эди. Шу жумладан, 2та қизлар мактаби ҳам бор. Давлатнинг анъанавий диний-маънавий меросини чуқурроқ тадқиқ қилишга ва янгилаш мақсадида қўлга олинган ишларининг яна бир пораси сифатида 2017 йили президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармони билан юқорида таъкидланган Ўзбекистон Ислом академияси ташкил этилганини айтиш мумкин. Нодавлат олийгоҳнинг кейинроқ илмий-тадқиқот марказининг муассиси Ўзбекистон мусулмонлари идораси деб тасдиқланди.

Қозоғистон Республикасида диний таълим беришга ва динни дунёвий турда ўқитишга бағишланган ҳуқуқий база Конституция ва махсус қонундан иборат. Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасининг 1-тармоғида “ҳар ким виждон эркинлигига ҳақли” эканлиги ёзилган. 2011 йили динга бағишланган ва қайта қабул қилинган “Диний хизмат ва диний бирлашмалар тўғрисида”ги қонунда диний таълим бериш ташкилотларини ҳисобга олмаганда Қозоғистонда таълим ва тарбиялаш тизими дин ва диний бирлашмалардан ажратилган ва дунёвий сифатга эга бўлади деб қайд этилган. Қозоғистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунинида ҳам таълим беришнинг дунёвий сифати ва таълим институтларида диний ҳамжамият тузишга йўл йўқлиги таъкидланган (3 модданинг 1-2-банди) [7].

Кўриб турганингиздек, Қозоғистон Республикасининг қонунчилик-ҳуқуқий базаси умумтаълим соҳасида диний таълимни аралаштирмасликни ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берган. Зеро, диний тўзимлилик ва жамият барқарорлигини асосга олиб, диншунослик таълим беришини, жамиятдаги дин ҳолатини илмий жиҳатидан кўриб чиқадиган ижтимоий фанларни ўқитишни қонунларнинг ушбу моддасига кирита олмаймиз. Динни ижтимоий ҳолат сифатида кўрадиган бундай фанларга “Диншунослик”, “Дин социологияси”, “Динлар тарихи”, “Ислом тарихи” сингари илмий-академик йўналишдаги дарсларни киритиш мумкин. Бу Қозоғистон жамиятидаги турли диний ҳамжиҳатликларни танишга, динни дунёвий сифатда тадқиқ қилишга ва жамиятдаги диний жараёнларни тадқиқ қила оладиган мутахассисларни тайёрлашга имкон яратади.

Қозоғистонда бундай фанлардан дарс бера оладиган мутахассисларни “диншунос” деб аташади, мутахассислик номи эса

“Диншунослик” сифатида тасдиқланиб, қатор университетларда мазкур йўналишда мутахассислар тайёрлаш иши амалга оширилмоқда. Диншунос мутахассисларни Л. Н. Гумилёв номидаги Евроосиё университетининг “Диншунослик” кафедраси, ал Фаробий университетининг “Диншунослик” кафедраси, “Нур-Муборак” Миср ислом маданияти университетининг ва Аҳмад Яссавий университетининг “Диншунослик” кафедралари тайёрлашмоқда. Бу мутахассисликда махсус таълим олган диншунос талабалардан ташқари, олий ўқув муассасаларида танлов қисми сифатида “Диншунослик” фани умумий курс сифатида ҳам ўқитилади. Шунингдек, умумтаълим мактабларининг 9- синф ўқувчиларига мўлжалланган “Диншунослик” фани ҳам борлигини атиш жоиз. Бу Қозоғистон жамиятида диний ва маданий ранг барангликни, турли этник ҳамда диний ҳамжамиятлар ўртасида толерантликни шакллантиришга имкон берадиган тенденция дейиш мумкин.

Кўриб турганимиздек, икки давлатдаги таълим бериш русумидаги тўзимлилик тамойили жамиятдаги дин ҳолатини ижтимоий ҳолат сифатида ҳар томонлама танитишни мақсад қилди. Бу Конституциядаги виждон эркинлигига кафолат бўладиган маданий хилма хиллик ва толерантлик анъанавий ривожланишга имкон берадиган давлат сиёсатининг кўриниши десак бўлади. Постсекуляр жамиятда диннинг жамиятдаги долзарблигининг ошиши, шундай ҳар томонлама тадқиқ қилинган давлат сиёсатига эҳтиёжи бор. Ваҳоланки жамият динсиз, мафкурасиз, дин билан ҳамоҳанг бўлиб кетган маданий тирикчиликсиз ҳаёт кечира олмайди. Уни мустақил ва тўзимлилик ҳолатида ривожлантириш учун салмоқли илмий концепцияларни таълим бериш тамойилларига жорий этиш зарур.

Ўзбекистонда давлатнинг минтақавий геосиёсий моҳиятини 1990 йиллардан буён ислом номидан фойдаланган радикалларга қарши кураш тажрибасини эътиборга олиб, Ўзбекистон мусулмонлари бошқармасининг аҳволи ва ваколати, давлат девони билан ўзаро иш-ҳаракат тажрибаси ортмоқда. Қозоғистонда ҳам сўнгги “Диний хизмат ва диний ташкилотлар тўғрисида” қонунининг кириш қисмида “ханафийлик ислом ва православ христианлигининг тарихий ролини тан олади” дейилган [8] Бу халқининг кўп қисми ислом динига эътиқод қиладиган қўш давлатда диний радикализмнинг олдини олиш учун, барча мусулмонларнинг бошини бириктириб турган тузилма билан давлат девонининг ҳамкорлик юритиб, жамиятдаги барқарорликни сақлаш йўналишида биргаликда ҳаракат қилишини англатади. Диний сиёсатни рационализациялаш постсекуляр даврда диндор фуқароларнинг эҳтиёжини таъминлайдиган бу қадамлар давлатнинг диний бирлашмалари билан ўзаро иш-ҳаракат тажрибасини кўрсатади.

Бошқа конфессияларга доир сиёсатни мисол қилсак, Ўзбекистонда диний эътиқод эркинлигига давлат кафолат бериб келаётганини кўрамиз. Масалан, 1991 йилдан буён жадал озайиб бораётган яҳудий ҳамжамияти Ўзбекистонда 100 мингдан 10 мингга қисқаргани билан, буни диний камситилишга доир амалга ошган жараён дея олмаймиз. Аслида Америка ва Исроилга кўчиб борган яҳудийларнинг муҳожирлиги ижтимоий-иқтисодий ва тарихий ватанига қайтиш сингари омиллар билан боғлиқ. Турли христиан конфессиялари, бахаийлар, кришнаийлар, буддистлар ва бошқа диний ҳамжамият вакилларининг диний бирлашмалари бирон бир қийинчиликсиз рўйхатга олиниб, миссионерлик хизматларини бажаришмоқда. Шунингдек, ҳеч бир динга эътиқод қилмайдиган фуқаролар ҳам эркин дунёқарашларини изҳор қила олади. Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида Ўзбекистон дунёвий давлат тузилмаларини шакллантирди. Давлат энг аввало давлатдаги диний жараённи давлат назоратига олишга ҳаракат қилди. Бу сиёсат барча диний ҳамжамиятларга дахлдор бўлди, шунингдек давлат анъанавий ислом, христиан ва яҳудий ҳамжамиятлари билан муносабат ўрнатиб, кооперациявий дунёвийлик тамойилини амалга оширди [9:23-24].

Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келганидан буён Ўзбекистонда дин соҳасидаги либерализация жараёни янги босқичга кўтарилди. 2020 йилги маълумотларга кўра Ўзбекистонда 2276 диний бирлашма рўйхатга олинган, шу жумладан 183 ноисломий диний ташкилот бор. Уларнинг 8таси яҳудий ҳамжамияти, 6таси баҳаийлар, биттадан “Иеҳова

гувоҳлари” ҳамжамияти, кришна ва будда ибодатхонаси рўйхатга олинган. Шунингдек 16 турли конфессиянинг бошини жамлаган “конфессияларо Инжил ҳамжамияти” ҳам бор. 2018 йили апрель ойида чиққан Ўзбекистон Президентининг фармони билан ушбу 16та диний конфессия етакчилари Конфессиялар кенгашининг таркибига киритилган. Мазкур Кенгаш Ўзбекистон Ҳукуматининг Дин ишлари қўмитасининг ижтимоий-маслаҳат органи бўлиб ҳисобланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда Тошкент вилоятида “Свет миру” пятидесятниклар черкови, евангелия христианлигининг “Сун Бок Ым” черкови, Хоразм вилоятида Евангелия христиан баптистларининг черкови, шунингдек Евангелие христианлиги пятидесятникларининг “Возрождение” Қўқон черкови рўйхатга олиниб хизмат қилмоқда. 2019 йилнинг ўзида Тўлиқ Евангелие христианлигининг “Логос”, “Возрождение” ва “Вера” черковлари, Евангелие христиан баптистларининг черкови ва Евангелие христианлигининг “Дом хлеба” черкови рўйхатга олинган эди [10].

Мазкур конфессия етакчиларининг Ҳукумат ҳузуридаги Дин ишлари қўмитасининг ижтимоий-консультация кенгашининг таркибига кириши Ўзбекистонда конфессияларо муносабатнинг давлат томонидан қўллов кўрсатилаётгани, давлат девони диний бирлашмалар билан муносабатни кооперациявий дунёвийлик асосида юрита бошлаганини кўрсатади. Бу ҳам постсекуляр босқичдаги энг қулай давлат сиёсати сифатида баҳолайдиган давлат қарори.

Қозоғистонда эса 18 конфессия, 3 мингдан зиёд диний бирлашмалар рўйхатга олинган. 2003 йилдан буён Қозоғистон Жаҳон ва Анъанавий динлар етакчиларининг съездини ўтказиб келмоқда. Сўнгги VI съезд 2018 йили ўтган эди. Ҳар уч йилда ўтадиган ушбу йиғин орқали Қозоғистон жаҳонга конфессияларо мулоқотнинг намунасини кўрсатди дейиш мумкин. Бу Қозоғистон минтақасидаги конфессияларо муносабатни танитибгина қўймай, жаҳон миқёсида динлараро мулоқотни амалга оширишнинг йўлларини кўриб чиқадиган майдонга айланди, дейиш мумкин.

1991 йилдан бошланган янгиланиш жараёнлари натижасида минтақадаги кўплаб диний таълим муассасалари (ДТМ) очила бошлади. ДТМ қаторига ислом, православие, католик, инжил христиан-баптистлар ва ҳоказо конфессияларнинг диний бирлашмаларига дахлдор ўқув муассасалари бўлди. Масалан, Қозоғистонда ҳозир христианлик (католик) эътиқодидаги Ўрта Осиё бўйича ягона олий муассасаси –“Мария Қудай Она” олий диний семинарияси фаолият юритади. Мазкур олийгоҳ 1998 йили Қарағанди шаҳрида ташкил этилган. Семинарияда ўқиш муддати – 8 йил. Ўқишга 18-35 ёш оралиғидаги уйланмаган эр кишилар қабул қилинади. Қабул қилинувчиларнинг камида ўрта маълумоти бўлиши керак, чўқинган бўлиши ва христианлик яшаш одатига риоя этиши керак. Ўқишга Қозоғистон фуқаролари билан бирга хорижлик фуқаролар ҳам қабул қилинади. Таълим жараёнида 1-йил – диний ваъзга, 2-йил фалсафани, 4-йил дин илмини ўзлаштиришга, сўнгги 1 йил тажрибага бағишланади. [11]

Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг конфессияларо сиёсатини қиёсий тадқиқ қилганда кўпмиллатли Қозоғистонда диний плюрализм сиёсатини имкон борича қўлланиш ва ташқи сиёсатга буни англатиш иши қўлга олинаётганини сезилади. Ўзбекистон эса Қозоғистон жамиятига қараганда монолит бўлганлигидан диний озчиликларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиб, Ҳукумат қошидаги махсус Кенгашга конфессия вакиллари ва ташкилот етакчиларини аъзо қилиб кооперациявий дунёвийлик йўналишида давлат сиёсатини юритишга бўлган интилишни сезамиз. Икки давлат ҳам постсекуляр жамият ҳақиқати асосга олиб, диний бирлашмалар билан ўзаро иш-ҳаракат тажрибасини пухталагани сезилади. Бу бир томондан диний экстремизмнинг олдини олиш ва динлараро тўзимлилик маданиятини таълим бериш соҳасидан бошлаб, ҳуқуқий асосда амалга ошириш бўйича бир қиёфаси.

ХУЛОСА

Дунёвий, ҳуқуқий ҳам демократик давлат ташкил этиш, давлат девонини постсекуляр шартлар доирасида барқарор ривожлантиришга эътибор қаратиш – ҳозирги сиёсий тузилмалар юзма юз келган янги ҳолат. Ўзбекистон ва Қозоғистон жамиятида бу йўналишдаги давлат сиёсати жаҳон

ҳамжамияти билан интеграцияланиб, ўзининг тарихий янгиланишга асосланган йўл топишдан иборат дейиш мумкин. Азалдан тамаддун ўчоғи бўлиб келган Ипак йўли бўйидаги маданий меросга, тарихий шаҳарларга ва бой маънавий меросга эгалик қилиб келаётган қўш қардош элнинг ривожланиш йўналиши тарихий тафаккур ва янгича фуқаролик қадриятларни туташтиришдан иборат дейиш мумкин. Таълим тизимидан бошлаб, ҳуқуқий, шунингдек давлат девонининг диний бирлашмалари билан муносабат тажрибасини тадқиқот қилганда шундай хулосага келамиз. Тарихий томири туташ қўш элнинг конфессияларо сиёсати салмоқли, рационаллик жиҳатидан изоляция қилинган ва фуқароларнинг ор-номус эркинлигига кафолат берадиган давлат сиёсатини ривожланишдан иборат. Тақдири ўхшаш қўш мамлакатнинг бу йўналишдаги ишларини ҳам ўхшаш дейишга тўлиқ асос бор.

МАНБА АДАБИЁТЛАР РЎИХАТИ

1. Бергер П. № 2 (30). Фальсифицированная секуляризация. *Государство, религия, Церковь в России и зарубежом.* 2012.
2. Аванесова Е.Г. № 46. Опыт взаимодействия органов государственной власти и религиозных организаций в современной России. *Вестник Томского Г*осударственного университета. Философия. Социология. Политология. 2018.
3. Исахан М. Зайырлылық құндылығының бағыттары. Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки. 2020.
4. Конституция Республики Узбекистан. /https://constitution.uz/ru/clause/ index#section2.
5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Таълим Тўғрисида. 464-I-сон 29.08.1997. https://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=16188.
6. Гафуров У.Т. 1 (307). История формирования и перспективы развития системы исламского образования Управления мусульман Узбекистана. Россия и мусульманский мир: 2018.
7. Қазақстан Республикасының Білім туралы заңы // https://adilet.zan/kz /kaz/docs/Z070000319.
8. Закон Республики Казахстан «О религиозной деятельности и религиозных объединениях». /https: //online.zakon.kz/Document/?doc_id=31067690#pos=3. 2011. - 106.
9. Svante E. Cornell & Jacob Zenn. Religion and the Secular State in Uzbekistan. Silk Road Paper. 2018.
10. Минюст озвучил количество религиозных организаций, зарегистрированных в Узбекистане. nuz.uz, https://nuz.uz/politika/46371-minyust-ozvuchil-kolichestvo-religioznyh-organizaciy-zaregistrirovannyh-v-uzbekistane.html. 2020.
11. Әбдірасілқызы А. Қазақстандағы діни білім жүйесі: тарихы, қазіргі жай-күйі және өзекті мәселелері. kazislam.kz https://kazislam.kz/eislam-153/. 2013.